

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖИБОЕВА ГУЛХУМОР РАХМОНЖОНОВНА**

**МАКТАБ ПСИХОЛОГИНИНГ НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРДАГИ  
ПСИХОКОРРЕКЦИОН ФАОЛИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(ўсмир ўқувчилар мисолида)**

**19.00.06. – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси.**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on psychological  
sciences**

**Тожибоева Гулхумор Рахмонжонова**

Мактаб психологининг низоли вазиятлардаги психокоррекция фаолияти хусусиятлари  
(ўсмир ўқувчилар мисолида)..... 3

**Тожибоева Гулхумор Рахмонжонова**

Особенности психокоррекционной деятельности школьного психолога в конфликтных  
ситуациях (на примере учеников подростков)..... 24

**Tojiboyeva Gulkhumor Rakhmonjonovna**

The features psychocorrectional activity of school psychologists in the conflicted situation (by  
the example teenagers)..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publishet works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОЖИБОЕВА ГУЛҲУМОР РАХМОНЖОНОВНА**

**МАКТАБ ПСИХОЛОГИНИНГ НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРДАГИ  
ПСИХОКОРРЕКЦИОН ФАОЛИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(ўсмир ўқувчилар мисолида)**

**19.00.06. – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси.**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2PhD/Psi25 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзиларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гулчехра Тулаганова Қўчқоровна**

Психология фанлари номзоди, доцент

**Расмий опонентлар:**

**Замира Таскараевна Нишанова**

Психология фанлари доктори, профессор

**Бахтиёр Назарович Сирлиев**

Психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.PSI.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошлент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz).)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил : 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, „В” қисим, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги йил \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ғ.Шоумаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

**А.Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психол.ф.н., доцент

**Н.Сафаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психол.ф.д

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жахонда турли мамлакатлар таълим тизимида психологик хизмат соҳасининг ривожланишида сезиларли фарқлар мавжуд. Баъзиларида бу мутахассислик аллақачон шакллантирилган ва узоқ тарихга эга. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда мактабгача таълим ва мактаб таълимида психологик хизматни ривожлантириш кучли педогогик-психологик стратегияга асосланган. Ушбу стратегия асосида “Халқаро мактаб психологлари ассоциацияси (ИСПА) талабларига мувофиқ мактаб психологик хизматини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илғор принциплари мунтазам равишда тузатишга мойилдир”<sup>1</sup>, деб қайд қилинган. Халқаро мактаб психологлари ассоциацияси (ИСПА) томонидан муҳокама қилинаётган турли услублар ва йўналишларини даврга мослаштириш аҳамиятли бўлиб, мактаб психологи фаолиятининг бугунги кундаги замонавий қиёфасини белгилаб беради.

Жахон миқёсида таълим тизимида психологик хизмат соҳасидаги тадқиқотларнинг алоҳида йўналиши таълим субъектлари (ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқитувчи) ўртасидаги шахслараро низоларни самарали бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини камайтириш ҳамда ўқувчилар шахсининг ижобий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларни низоли вазиятлар шароитида конструктив хатти-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрлашда таълимни услубий ташкил этиш, соғлом фикр юритишга ўргатиш, билиш маданиятини, ахлоқий тасаввурларни шакллантириш муаммолари бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Мазкур йўналишда мактаб психологи фаолиятини ривожлантиришнинг устувор усулларини психологик механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга эътибор қаратиш муҳимдир.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ҳам мактабда психологик хизматни услубий ташкил этиш ва ривожлантириш учун зарур имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Янги иш ўрнинларини яратиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш ва сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш”<sup>2</sup> муҳим вазифа қилиб белгиланган. Таълим тизимида мактаб психологи фаолиятининг асосий мазмуни таълим субъекти бўлган ўқувчиларнинг ҳар томонлама камолотини таъминловчи психологик таъсир воситалари, зарур шарт-шароитлар ва муҳит яратишдан иборат.

---

<sup>1</sup> <http://rspc-samara.narod.ru/schoolpsych.html>

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017.- (766)-сон. Б.36-37.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда ушбу фаолият тизимига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республика Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи- ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши ушбу тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Ўсмирлар психологияси муаммолари билан шуғулланган олимлардан Д.И.Фельдштейн (1991), Л.И.Божович (2008), А.Бандура (2000), Л.С.Выготский (1984), Е.Першанина (1984), А.В.Дмитриев (2000), М.Раттер (1987), Ф.Райс (2000), Г.А.Ковалев (1996), Н.В.Гришина (2001), А.Я.Анцупов (2008) ўзбек психологларидан М.Г. Давлетшин (1989), Э.Ғ.Ғозиев (1990), А.И.Островский, Г.Қ.Тўлаганова, З.Камалетдинова, Н.Ғ.Камиловалар ўз тадқиқотларида ўсмирлик даврига хос хусусиятларнинг у ёки бу қирраларини муайян даражада очиқ берганлар. Шунингдек, замонавий психология фанида ўсмирлик даврига хос низоларнинг психологик коррекцияси муаммосини ҳам назарий ҳамда амалий ўрганиш тажрибалари муайян даражада мавжуд. Масалан, Дж.Бугентал, К.Левин, А.Маслоу, К.Роджерс, В.Франкл, А.Фрейдларнинг психологик назарияларида ўтиш даврига хос низоларнинг олдини олишда шахс имкониятларининг кучи масаласига кенг қамровли ёндашувни кўриш мумкин. Ўзбек олимларидан Э.Ғ.Ғозиев (1996), М.Г.Давлетшин (1989), Ғ.Б.Шоумаров (1979), Б.Р.Қодиров (1999), В.М.Каримова (1998), Н.С.Сафоев (1996), Ш.Р.Баротов (1995, 1998, 1999) ва Н.А.Соғиновларнинг (1995) Ўзбекистон ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда оила тизимларида психологик хизматни жорий этиш борасида олиб бораётган қатор назарий-илмий ва амалий услубий ишлари Республикада психологик хизматни жорий этиш ва ривожлантириш учун маълум даражада асос бўлмоқда.

Тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур муаммонинг аҳамияти бир қатор нуфузли психологик назариялар, жумладан, психоанализ юзасидан илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, шахслараро низоларни ўрганиш бир қатор йўналишлар доирасида амалга оширилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети “Педагогика ва психология” кафедрасининг “Амалий психологиянинг ижтимоий психологик вазифалари” ва “XXI аср психологиясининг долзарб муаммолари” (2017-2021 йй) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** ўсмир ўқувчилар ўртасидаги шахслараро низоли вазиятларда мактаб психологи коррекцион фаолиятининг психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

шахслараро низоларнинг ўсмирларда юзага келиш шарт-шароитларини ўрганиш;

хар хил характер типига хос ўсмирларнинг хулқ-атворлари тавсифларининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш;

ўсмирлик даврига хос низолилик даражасини психологик коррекциясининг самарали усулларини танлаб олиш.

низолилик даражаси, ўсмирлар низоли хатти-ҳаракатларининг шакллари ва характеристикаси коррелятларини эмпирик даражада аниқлаш ва тизимлаштириш;

ўсмирлардаги низолилик даражасини, уларнинг низоли хатти-ҳаракатларининг шакли ва характерини инобатга олган ҳолда психологик коррекцион тадбирларнинг амалий имкониятларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Андижон вилояти ХТБга қарашли умумий ўрта таълим мактабларининг 10 - 15 ёшли 337 нафар ўсмирлари ҳамда 36 нафар мактаб психологлари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** ўсмирлар низолилик даражасини, уларнинг низоли хатти-ҳаракатларини шакли ва характерини инобатга олган ҳолда мактаб психологининг психологик коррекцион фаолияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Назарий тадқиқот доирасида илмий адабиётларнинг психологик таҳлили; ўсмирлар хулқ-атворининг тавсифларини ўрганиш учун “Психохарактерологик диагностик сўровнома”си (Е.И.Личко); синфларнинг гуруҳий жипслигини ва социометрик мавқеини аниқлаш учун “Психологик яқинлик шқаласи” (Д.Фельдс); “Гуруҳий жипсликни аниқлаш методикаси” (К.Э.Сишор); “Синфдаги психологик муҳитни умумий баҳолаш учун карта схемаси” (А.Н.Лутошкин); мактаб психологи амалий фаолиятида ўсмирлар низолилик даражаси, улар низоли хатти-ҳаракатларининг шакли ва характерини инобатга олган ҳолда психологик коррекцияси дастурини қўллаш самарадорлигини баҳолашда: а) ўсмирлар низоли хатти-ҳаракатларининг шакли ва характерини ўрганиш учун Г.Қ.Тўлаганова томонидан ишлаб чиқилган экспериментал анкета сўровномаси; б) муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ўсмирларнинг ота-оналари учун сўровнома; в) муаллиф томонидан тузилган ўсмирларнинг ўқитувчилари учун сўровнома; мақсадли кузатув ва суҳбат методлари, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистика

методлари (Ч.Пирсон чизикли корреляция коэффицентини, Р.Фишер F-мезонини, Стьюдент t-мезонини, ковариация коэффицентини ҳисоблаш методлари)

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактаб психологининг психокоррекция фаолияти самарадорлигини таъминловчи ўсмир ўқувчиларнинг низоли хулқ-атвори шакл ва характери инобатга олган ҳолда “субъект-субъект” ўзаро таъсир услуги, психолог билан психокоррекция иштирокчилари ўртасидаги муносабатларининг “ҳамжиҳатлик” принципи ва “катта инсон позицияси” шакллантирилган;

ўсмирларнинг шахслараро муносабатларида низоли вужудга келтирувчи “тақлид қилиш”, “эгоцентризм”, “эмоционал интеллект танқислиги” ва “қадриятлар йўналишининг пастлиги” каби омиллар аниқланган;

мактаб психологининг ўсмирлар гуруҳларидаги шахслараро низолар профилактикаси самарадорлигини таъминловчи “эмоционал жозибадорлик”, “гуруҳ аъзоларининг адекватлиги”, “шахслараро муносабат аттракцияси” омиллари аниқланган;

мактаб психологининг ўсмирлар ўртасидаги низоларни психологик профилактикаси ва психокоррекциялаш фаолияти тузилмаси “низо шакллари аниқлаш”, “низоларни эксперт ва индивидуал баҳолаш”, “низоларни бартараф этиш” ва “ҳамкорликда ишлаш” усуллари ва шакллари асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсмирларнинг низоли вазиятлар шароитида конструктив хатти-ҳаракатлар қилишга тайёргарлиги шакллантирилган;

ўсмирлар гуруҳидаги шахслараро низоларни гуруҳнинг ўзига ва унинг ҳар бир аъзосига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан, ҳам конструктив, ҳам деструктив характерда бўлиши кузатилган;

мактаб психологи фаолиятида ўсмирлар низолилик даражасини уларнинг низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характери инобатга олган ҳолда психологик коррекцияси дастурининг қўлланилиши шахслараро низоларни юзага келиши ва улар салбий оқибатларининг эҳтимоллигини камайтириш имкониятлари ҳамда ўсмирлар шахсининг ижобий ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб, низоли вазиятлар шароитида ўсмирларни конструктив хатти-ҳаракатлар қилишга тайёрликлари шакллантирилган;

мактаб психологи томонидан ўсмирлар низолилик даражасининг психологик коррекцияси дастурини тузишда ва унинг самарадорлигини баҳолашда қўлланилган психодиагностик методикалар ўринли танланганлиги исботланган;

ишлаб чиқилган анкета сўровномаси низолилик даражаси, ўсмирлар низоли хатти-ҳаракатлар шакли ва хусусиятларини аниқлаш психодиагностикасининг ишончли воситаси эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот мобайнида

тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, олинган эмпирик, миқдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларида ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан; тадқиқот маълумотларини билишнинг назарияси, методологияси (шахсга тизимли ёндашув, фаолиятда ривожланиш тамойиллари) талаблари асосида таҳлил этилгани; тадқиқот майдони сифатида турли ҳудудлардаги муассасалар танлангани; барча оралиқ натижалар илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилингани билан таъминланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўсмирлик ёш давридаги ўқувчилар ўртасидаги шахслараро низоларни самарали бартараф этиш имкониятини берувчи шарт-шароитлар, ўсмирлар низолашиш даражаси, уларнинг низоли хатти-ҳаракатлари шакл ва характерини инобатга олиш зарурлигига оид маълумотлар ҳамда тадқиқот натижалари педагогик психология, тараққиёт психологияси, амалий психология психодиагностика фанларини янги илмий маълумотлар билан бойитади. Психологик коррекциянинг қўлланилиши ўсмирлардаги низоли вазиятларнинг диагностикаси, шунингдек, салбий асоратларни олдини олишнинг ўзига хослиги тўғрисидаги маълумотлар психодиагностика ва психокоррекция фанлари учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Эксперт баҳолашни ўтказиш учун ўсмирларнинг низоли хатти-ҳаракатлари шакл ва характерини ўрганиш бўйича ўқитувчилар ва ота-оналар учун тузилган анкеталар психологик коррекциянинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтди.

Тадқиқот амалий натижаларидан мактаб амалий психологлари, мактаб ўқитувчилари, психологик-консультатив марказлар мутахассислари фаолиятида фойдаланиш мумкин. Диссертация иши маълумотларидан шахс психологияси, ўсмирлик даври психологияси, экспериментал психология, психокоррекция фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Мактаб психологининг низоли вазиятлардаги психокоррекция фаолияти дастурини илмий методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўсмир ўқувчиларнинг низоли ҳулқ-атворини шакл ва характерини инобатга олган ҳолда мактаб психологининг коррекция фаолиятини “субъект- субъект” ўзаро таъсир услуби, психолог билан психокоррекция қатнашчилари ўртасидаги муносабатларининг “ҳамжиҳатлик” принципи ва “катта инсон позицияси” шакллантирилганлиги бўйича материллар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида (РБИММ) фаолият кўрсатаётган мутахассислар касбий маҳоратини ошириб боришда, психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлашда ва психологик тренинг дастурларини такомиллаштиришда қўлланилган (РБИММнинг 2018

йил 23 июлдаги 06/346-сон маълумотномаси). Натижада марказ мутахассисларининг ўқувчилар билан психологик хизматни ташкил этиш фаолиятини бойитишга хизмат қилди;

Ўсмирларнинг шахслараро муносабатларида низони вужудга келтирувчи “тақлид қилиш”, “эгоцентризм”, “эмоционал интеллект танқислиги” ва “кадриятлар йўналишининг пастлиги” каби омиллари аниқлаганлигига доир илмий янгилик Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида (РБИММ) фаолият кўрсатаётган мутахассислар касбий маҳоратини ошириб боришда, психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлашда ва психологик тренинг дастурларини такомиллаштиришда қўлланилган (РБИММнинг 2018 йил 23 июлдаги 06/346-сон маълумотномаси). Марказ психологларининг ўқувчилар билан вужудга келадиган низоли вазиятларни ташкил этиш сабабларини баҳолаш имкониятларини ўсишига кўмаклашган;

мактаб психологининг низоли вазиятларни психокоррекциялаш фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи гуруҳ ичидаги низо, шахслараро низо, ижтимоий ҳолатни яхшилаш, биргаликдаги фаолиятдан қониқиш, ўқувчи шахсидаги ўзгаришларни баҳолаш, низодаги хулқ-атвор шакллариининг аниқлаш мезонлари тўғрисидаги маълумотлар РБИММ томонидан алоҳида эътиборга муҳтож тоифадаги болалар билан ишларини амалга оширишда фойдаланилган (РБИММнинг 2018 йил 23 июлдаги 06/346-сон маълумотномаси). Натижада болалар ўртасидаги низоли вазиятларни конструктив баҳолаш имкониятларини кенгайтирган;

мактаб психологи фаолиятида ўсмир ўқувчилар ўртасидаги низоларни (ўқувчи–ўқувчи, ўқувчи–ўқитувчи ) педагогик –психологик профилактикаси ва коррекциясининг психологик механизми тузилмаси такомиллаштирилганлигига доир материаллар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий маркази фаолиятида фойдаланилган (Психология ўқув-илмий маркази 2018 йил 23 июлдаги маълумотномаси). Натижада марказнинг ўсмир ўқувчилар билан шахслилик ва индивидуал хусусиятларни ижобий ривожлантириш бўйича педагог ва психологлар олиб бораётган илмий-услубий фаолиятининг услубий таъминоти кучайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари, жумладан, тадқиқотнинг натижалари бўйича 8 та илмий мақола (4 таси Республика илмий журналларида), шу жумладан , хорижий журналларда 4 та мақола, конференция ва семинарлар материаллари тўпламларида 20 та илмий тезислар чоп этилган ва 1 та ўқув-услубий қўлланма нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқотнинг натижалари халқаро ва республика илмий анжуманларида апробациядан ўтказилди (2009-2018й) «Мотивация учения старших дошкольников» Евразийский научный журнал Санкт-Петербург 2017, №11 ноябрь с.160; «Особенности эмоциональной сферы умственно отсталых младших

школьников» Редакция журнал Наука XXI века Москва 2017, №11 ноябрь – с.170; «Бессознательные источники внутриличностных конфликтов» Журнал Научных публикации аспирантов и докторантов Г.Курск 2017, №43; «Умумий ўрта таълимда психологик маслахатни ташкил этиш» Узлуксиз таълим Тошкент 2018 №3; «Шахс ижтимоий хулқ-атворини шакллантиришда амалий психологлар фаолияти». Муғаллим хем узлуксиз билимдендириў Нукус-2010, №4; «Шахслараро низолар ва уларнинг рўй бериш вазиятларининг психологик муаммолари». Халқ таълими –Тошкент, 2013. №2; «Низоли вазиятлардаги ўсмирлар хулқ-атворининг шакллари.» Бухоро психология журнали. 2016, №2; «Таълим жараёнида психологик аксиологиядан фойдаланиш.» Таълим, фан ва инновация «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг маънавий-маърифий» илмий журнал. Тошкент-2015йил. –Б.31; «Ўсмирлик даврига хос шахслараро низолар вазиятида мактаб психологининг психокоррекцион фаолияти». Излаш журнали Тошкент-2015 йил. –Б.148; «Бошланғич таълим жараёнида психологик хизматни самарали ташкил этиш». Руспублика илмий амалий конференция материаллари Андижон, 2016; «Ахборот психологик хуружларидан ёшларни оғохлантириш». Руспублика илмий амалий конференция материаллари Андижон, 2016; «Таълим жараёнида ўқувчилар билиш фаоллигини бошқаришнинг психологик хусусиятлари». Руспублика илмий амалий конференция материаллари Андижон, 2016; «Бошланғич синф ўқувчиларида фаол коммуникативликни шакллантириш». Педагогик таълим журнали, Тошкент-2015. –Б.13; «Психологические особенности возникновения суицидального поведения и меры психопрофилактики». ТАТУ илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент-2017; «Кризис холатлар ва уни олдини олишнинг психологик йўллари». А.Навоий нашриёти, Тошкент-2009. (ўқув-услубий кўлланма).

Диссертация Андижон давлат университетининг «Педагогика ва психология» кафедраси навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган (2018 йил №11-сонли баённомадан кўчирма).

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб (8 параграф), фойдаланилган адабиётлар рўйхати (142номдаги, шу жумладан 3та инглиз тилидаги манба) ва иловалар (6та иловадан иборат.) Ишнинг умумий ҳажми 196 саҳифа, 4 та жадвал ва 8 та расмдан иборат.

## Диссертациянинг асосий мазмуни

**Кириш** қисмида мактаб психологи фаолиятининг асосий мазмуни таълим субъекти бўлмиш ўқувчиларга ҳар томонлама мукамал психологик тараққиётни таъминловчи оқилона, зарурий шарт - шароитлар, омиллар, қулай вазият ва муҳит яратишдан иборатдир. Психологик хизматда тадқиқот ва таъсир ўтказишнинг объекти умумий ўрта таълим ўқувчилари бўлиб, уларни яқка тартибда, алоҳида гуруҳий ёки жамоавий шаклда ўрганишдир. Мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияси, эртанги куни, жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол ривожланишлари борасида ҳам кишини қувонтирадиган даражадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Диссертациянинг **“Психология фанида шахслараро низоларни ўрганишнинг назарий-методологик хусусиятлари”** деб аталган **биринчи боби**да Ўзбекистонда психологик хизматнинг жорий этилиши, бугунги ҳолати ва истиқболларини ўрганишга, таҳлил қилишга ва изоҳлашга бағишланган психологик ва педагогик, психологик тадқиқотларнинг олиб борилиши келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз равнақи учун кечиктириб бўлмас давр тақозоси эканлиги, замонавий мактаб психологининг амалий фаолияти масалаларига эътибор қаратилган. Бу тадқиқотлар доирасида олинган маълумотлар шуниси билан қизиқарлики, ташқаридан низоли хулқ-атвор хусусиятларида намоён бўладиган шахслараро низо вазияти билан боғлиқ “ички” психик жараёнлар ва ҳолатлар динамикасини тушуниш имконини беради.

Шундай қилиб, низоли вазиятни воқелик сифатида ўрганишда асосий йўналишлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- гуруҳдаги (гуруҳ ичидаги низо) шахслараро низонинг биргаликдаги фаолият самарадорлигига таъсири;
- гуруҳдаги шахслараро низонининг юзага келиш эҳтимолини оширувчи омиллар;
- гуруҳдаги шахслараро низоларнинг юзага келишидаги объектив ва субъектив сабабалар, уларнинг характери, мутаносиблиги ва динамикаси;
- шахслараро низоларнинг индивидуал-психологик сабаблари;
- шахслараро низолар тузилмаси ва унинг динамикаси;
- шахслараро низо қатнашчиларининг психологик ҳолати хусусиятлари ва уларни психологик ўлчаш;
- шахслараро низолар профилактикаси усуллари ва шакллари; деструктив шахслараро низоларнинг конструктив шаклга ўтиши.

Диссертация ишининг **иккинчи боби “Ўсмирлик даврига хос низоли вазиятларнинг психологик мазмуни”** деб номланиб, унда ўсмирлар ўртасидаги хулқ-атворнинг низоли шакллари турли ижтимоий омиллар томонидан келтириб чиқарилади. Улар орасида мактабдан ташқари референт

гуруҳлар ва бирлашмаларни кўрсатишимиз мумкин, уларда уришқоклик, агрессивлик кўпинча дадиллик, мустақиллик исботи сифатида қаралади.

Бизнинг маълумотларга кўра, низоли хулқ-атворга мойил ўсмирлар ўртасида 68,35 фоиз бир қатор ҳолатларга кўра оиладаги ички коммуникация тизими деформациялашган, психологик ҳимояланганлик ҳиссиёти яратилмаган оилалар фарзандларидир. Умумий ўрта таълим мактаб педагогларига шахслараро низо тузилмаси ва динамикасини акс эттирувчи махсус ишлаб чиқилган схема бўйича ўзлари гувоҳ бўлган ўсмирлар ўртасидаги шахслараро низоларни тасвирлаб бериш таклиф этилди. 83 фоиз синалувчилар шуни кўрсатдиларки, 13-14 ёшдаги ўсмирлар низоли хатти ҳаракатлар босқичларида чет элларда ишлаб чиқилган бадий фильмлардан олинган жаргонларни қўллайдилар.

Ўсмирлардаги шахслилик ва шахслараро низолар вазиятидаги фаолликлари хусусиятлари умумий қирраларга эга. Бундай қирраларга бизнинг маълумотларга қуйидагилар киради:

- кадриятлар йўналишининг пастлиги;
- тақлид қилиш;
- ахлоқий тасаввурларнинг ривожланмаганлиги;
- эмоционал кўполлик;
- агрессивлик;
- эгоцентризм;
- ижтимоий интеллектнинг етарлича ривожланмаганлиги.

Шу тариқа, ўсмирларнинг низоли хатти-ҳаракатлари бевосита ва билвосита низо характерида бўлиши мумкин, деган тахминни илгари сурилган. Бевосита низоли хатти-ҳаракат деганда, низоли вазиятларда бевосита бир-бирларига йўналтирилган низо субъектларининг бирёқлама ёки иккиёқлама фаоллигини тушуниш мақсадга мувофиқ бўлиши тавсифланган. Шу билан бирга, низоли хатти-ҳаракатлар вербал ва новербал характерда бўлиб, вербал ҳолда ҳақорат, койиш, масхара, пичинг (нутқ билан белгилий тизим сифатида) кўринишида ифодаланса, новербал ҳолда эса вербал зўр беришларсиз ёки ундан паст даражада фойдаланилган (турли хил нутқий бўлмаган белгилий тизимдан устивор фойдаланиш) кўринишда бўлиши ифодаланган. Шу тарзда, ўсмирлар низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характерини ўрганишни экспериментал анкета сўрови бўйича қайта сўровдан ўтказишнинг корреляцион таҳлили натижалари (n=337)

**1-жадвал**

№	Диагностик шкалалар номи (ўсмир ўқувчиларни низоли фаолликлари)		Spearman R корреляция коэффициенти	Статис- тик аха- мияти
	1-сўров	2- сўров		

1	Ўсмирлар низоли-лигининг синов кўрсаткичлари	Ўсмирлар низолилигининг синов кўрсаткичлари	0,71	$p < 0,05$
2	Ўсмирлар вербал/новербал низоли хатти-ҳаракат шакллари синов кўрсаткичлари	Ўсмирлар вербал/новербал низоли хатти-ҳаракат шакллари синов кўрсаткичлари	0,70	
3	Ўсмирлар билвосита/бевосита низоли хатти-ҳаракатлари синов кўрсаткичлари	Ўсмирлар билвосита/бевосита низоли хатти-ҳаракатлари синов кўрсаткичлари	0,73	

учала диагностик шкалалар бўйича : - биринчи ва иккинчи сўровлар бўйича ўсмирлар низолилигининг синов кўрсаткичлари -  $p < 0,05$  бўлганда 0,71 га ;

- биринчи ва иккинчи сўровлар бўйича ўсмирлар вербал ва новербал низоли хатти-ҳаракатлари шакллари синов кўрсаткичлари -  $p < 0,05$  бўлганда 0,70 га;

- биринчи ва иккинчи сўровлар бўйича ўсмирлар билвосита ва бевосита низоли хатти-ҳаракатлари синов кўрсаткичлари -  $p < 0,05$  бўлганда 0,73 га тенг эканлиги таққослаб аниқланди ва экспериментал анкета сўровининг ишончилигининг ўртача статистик кўрсаткичи 0,71 га тенг деб олинди. Шу тариқа, низолиликни, ўсмирлар низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характерининг комплекс эксперт баҳолаш натижаларининг ҳамда респондентлар билан сўровларнинг умумлаштирилиш кўрсаткичларнинг корреляцион таҳлилини ўтказиш имконияти яратилган.

Экспериментал анкета сўровининг диагностик шкалалари “синов кўрсаткичлари” балларини стандартлаштириш математик кутишни, стандарт оғиш ва балларни гарфик тарзда тақсимланиши ҳисоблаш йўли орқали олиб борилиб, улар асосида Р.Б. Кэттел таклиф этган “Стандарт ўнликлар” тизими ётади.

Умумий танловдаги ( $n=337$ ) стандарт оғишлар ( $\sigma$  - сигма) қуйидаги формула бўйича аниқланган :

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (B - M)^2}{n - 1}}$$

(1.2)  $\sigma$  = стандарт оғишлар  
бунда,  $B$  – ўсмир олаган “синов кўрсаткичлари” балл .

1.2 формуласидан келиб чиқиб, “синов кўрсаткичлари” балларнинг умумий жадвалидан “Excel” дастури ёрдамида мувофиқ функцияларни кўйиб чиқиш йўли билан урта диагностик шкалалар бўйича стандарт оғишлар ( $\sigma$ ) аниқланган:

- “низолилиқ”  $\sigma = 12,5$  ;
- “низоли хатти-ҳаракатларнинг вербал / новербал шакли”  $\sigma = 11,2$  ;
- “билвосита / бевосита низоли хатти-ҳаракатлар”  $\sigma = 12,8$ .

Шу тариқа, экспериментал анкета сўровномаси стандартлаштиришдан муваффақиятли ўтди, валидрилиқ ва ишончилиқнинг қониқарли кўрсаткичлари ушбу инструментариани мутахассислар томонидан амалиётда қўллаш учун яроқлигидан далолат беради (2-жадвал)

**2-жадвал**

№	Диагностик шкалалар номи	синов кўрсаткичлари балларда ифодаланиш даражаси				
		Юқори	ўртадан юқори	Ўрта	ўртадан паст	Паст
1	Низолилиқ	32 дан 44 балгача	26 дан 31 балгача	21 дан 25 балгача	15 дан 20 балгача	1 дан 14 балгача
2	низоли хатти-ҳаракатларнинг вербал / новербал шакли	30 дан 44 балгача	24 дан 29 балгача	17 дан 23 балгача	11 дан 16 балгача	1 дан 10 балгача
3	билвосита / бевосита низоли хатти-ҳараатлар	34 дан 44 балгача	28 дан 33 балгача	21 дан 27 балгача	15 дан 20 балгача	1 дан 14 балгача

Шу билан бирга, ишлаб чиқилган инструментариани амалиётда қўллашда олиндиған натижаларнинг ҳаққонийлигини ошириш мақсадида муаллиф томонидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўсмирлар ўртасидаги шахсларо низоларнинг юзага келиш шароитларини ўрганишнинг *шахслиқ жабҳаси* ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш жоизки, шахс хусусиятларининг турғунлиги уларнинг характерда намоён бўлиши шахсларо низоларнинг юзага келиши ва уларнинг частотасига турлича таъсир кўрсатиши хусусидаги таҳлилий мулоҳазалар берилган.

**Учинчи боб “Ўсмирлар низолилиқ даражасини уларнинг низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характерларини инобатга олған ҳолда**

**психологик коррекцияси модели”** га бағишланган бўлиб, унда ўсмирлар низолилик даражасини уларнинг низоли хатти-ҳаракатлари шакл ва характерларини инобатга олган ҳолда психологик коррекциясининг самарали усулларини қўллашга боғлиқлиги далилланган. Бунда мактабда психологик хизмат бўйича замонавий психологик-педагогик адабиётларда психологик коррекция мактаб психологи фаолияти йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Тадқиқотнинг таҳлилларига асосланиб, ўқувчилар ўртасидаги шахслараро низоларни юзага келтирувчи омиллар учта гуруҳга ажратилиши мумкин:

1. Шахслилик ва индивидуал-психологик омиллар;
2. Шахслараро ўзаро таъсир омиллари;
3. Ўсмирларнинг биргаликдаги фаолияти омиллари.

Трансакт таҳлил терминологиясини қўллаган ҳолда, психолог вазифаси шундан иборатки, ўзини “катта одам” позициясида “ушлаб” туриб, психокоррекциянинг барча қатнашчиларини шу позицияга “олиб чиқиши” керак. “Ўсмирлар низолилик даражаси ҳамда низоли хатти-ҳаракатлари шакл ва характерларини психокоррекция ишларгача ва ишлардан сўнг намоён бўлиши” деб номланган кейинги параграфда ўсмирлар низолилик даражасини ҳамда уларни низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характерини инобатга олган ҳолда психологик коррекцияси дастурини мактаб психологи томонидан қўллаш самарадорлигини ўрганиш мақсадида эмпирик тадқиқотнинг умумий танлови (n=337) назорат ва экспериментал гуруҳга ажратилганлиги ёритилган. Экспериментал гуруҳга 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган (ўғил ва қиз жинсидаги) 165 нафар кичик ўсмир, шунга кўра худди шу ўртача ёш даври ва жинсий категориядаги 172 нафар катта ўсмирлик ёшидаги ўқувчилар киритилган.

Экспериментал гуруҳдаги ўсмирлар 11 ой давомида ўсмирлар низолилик даражасини уларнинг низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характерини инобатга олинган психологик коррекция дастури доирасида машғулотларда иштирок этиш учун жалб этилган.

Мактаб психологининг ўсмирларнинг низоли хатти-ҳаракатларининг шакл ва характерини ўрганишнинг экспериментал анкета сўрови ёрдамида психокоррекция ишларгача бўлган текшируви натижаларини кўрсатишича, экспериментал ва назорат гуруҳи ўсмирларининг диагностик шкалалар бўйича кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилмайди, яъни аҳамиятли фарқларга эга эмаслиги аниқланди. Бунда низолилик даражаси ўртадан юқори бўлган экспериментал гуруҳнинг ўсмирлари сони (82,3% - 81 нафар ўсмир) назорат гуруҳидаги низоли ўсмирлар сонидан (80% - 54 нафар ўсмир) озгина кўпроқ.

Билвосита низоли хатти-ҳаракатлар экспериментал гуруҳнинг 79,5% (78 нафар ўсмир) ўсмирларида ва назорат гуруҳида эса 68,6% (46 нафар ўсмир) ўсмирларида кузатилади. Ушбу категориядаги ўсмирларда низоли хатти-ҳаракатлар низоли вазиятлар шароитида оппонентнинг предметли ёки

ижтимоий қуршовга устунликда йўналган, оппонентларнинг бирёклама ёки иккиёклама фаолликлари билан характерланади. Ўз навбатида экспериментал гуруҳнинг 4,1% (4 нафар ўсмир) ва назорат гуруҳининг 12% (8 нафар ўсмир) ўсмирларига бевосита низоли вазият объектига йўналтирилган, бирмунча бевосита низоли хатти-ҳаракатларни қабул қилишар экан.

Шу билан бирга вербал бевосита низоли хатти-ҳаракатлар ўртача 70% эркак жинсидаги ва 50% қиз жинсидаги ўсмирларда кузатилади. Билвосита вербал низоли хатти-ҳаракатлар кўпинча қиз жинсидаги (атиғи 40% ҳолатлардагина) ўсмирларга нисбатан эркак жинсидаги (75%) ўсмирларда тез-тез кузатилади. Бевосита новербал низоли хатти-ҳаракатлар ўртача ўғил жинсидаги 75% ўсмирларда кузатилган бўлса, фаолликнинг ушбу шакли қиз жинсидаги ўсмирларнинг 30% да кузатилган.

Қиёсий таҳлил ўтказиш мақсадида биз умумий танловдаги (экспериментал ва назорат гуруҳлар) катта ўсмирлик ёшидаги (13 – 14) низоли хатти-ҳаракатларнинг шакл ва характерларини ўрганишнинг экспериментал анкета сўровномаси ёрдамида мактаб психологининг психокоррекция ишларидан сўнг текшириб чиқдик (3-Жадвал).

**3-жадвал**


**Мактаб психологининг психокоррекция ишларидан сўнг экспериментал ва назорат гуруҳининг тавсифи**

№	Диагностик шкалалар номи		Экспериментал гуруҳ (n=98)			Назорат гуруҳи (n=74)		
			ўртадан юқори	ўрта	ўртадан паст	ўртадан юқори	ўрта	ўртадан паст
1	Низолилик	сон	0	30	68	57	9	1
		%	0	30,6	69,4	85,1	13,4	1,5
2	Низоли хатти-ҳаракатларнинг вербал/новербал шакли	сон	6	80	12	44	3	20
		%	6,2	81,6	12,2	65,7	4,5	29,8

3	<i>Билвосита/бевосита низולי хатти- ҳаракатлар</i>	сони	7	84	7	42	9	16
		%	7,1	85,8	7,1	62,7	13,5	23,8

3-жадвалда Р.Б. Кэттел таклиф этган “Стандарт ўнликлар” тизими асосида корреляцион баҳолаш аниқланди. Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, учала диагностик шкалалар бўйича экспериментал ва назорат гуруҳларини инобатга олганда жиддий фарқларга эга. Ишлаб чиқилган модел бўйича мактаб психологининг психокоррекцион ишлари натижасида экспериментал гуруҳнинг 30,6 % (30 нафар ўсмир) ўсирида низолилик даражасининг кўрсаткичи ўрта даражага, 69,4% (68 нафар ўсмир) да эса ўртадан паст даражага пасайди (1-расм).

1-расм



**1-расм. Мактаб психологининг психокоррекцион ишларигача ва ишларидан сўнг экспериментал гуруҳ ўсмирларининг низолилик даражасининг % лардаги қиёсий таснифи**

Ушбу далиллар, шахслараро (ўқув жамоасида) ва оила ичидаги ўзаро муносабатлар учун ҳам ва умуман таълим учун ҳам шубҳасиз ижобий бўлиб ҳисобланади. 85,1% (57 нафар ўсмир) ўсмирларда олдингидек низолиликнинг ўртадан юкори даражаси кузатилган бўлиб, бу мактаб жамоасида тенгдошлар ва ўқитувчиларга нисбатан вақти-вақти билан бўлган низоларда ифодаланади.

81,6% (80 нафар ўсмир) ўсмирлар “низולי хатти-ҳаракатларнинг вербал/новербал шакллари” – диагностик шкаласи бўйича ва “билвосита/бевосита низולי хатти-ҳаракатлар” – шкаласи бўйича 85,8% (84

нафар ўсмир) ўсмир ўрта даражага эга бўлиб, буни ушбу кўрсаткичлар амалий жиҳатдан ўзгаришсиз қолган назорат гуруҳидаги ўсмирларга нисбатан айтиб бўлмайди.

Шу тариқа, ўтказилган экспериментал анкета сўрови натижаларининг қиёсий таҳлили биз ишлаб чиққан ўсмирлар низолилик даражасини уларнинг низоли хатти-ҳаракатларининг шакли ва характеристикасини инобатга олган ҳолда психологик коррекцияси дастурини баҳолаш имконини берди. Шахслараро низоларга конструктив муносабатда бўлиш ҳақида гапирганда, биз турли тадқиқотчилар томонидан бир неча маротаба айтилган ва Н.В.Гришина томонидан муваффақиятли ифодаланган низонинг ижобий имкониятлари тарбиявий функцияларни амалга ошириш учун самарали қўлланилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни назарда тутамиз.

Психокоррекцион фаолият дастури мактаб психологи психокоррекцион ишини ташкил этиш заруратини ҳам турли усулларда, бир вақтнинг ўзида кетма-кет ва параллел равишда, турли методларни қўллаган ҳолда ҳисобга олиши керак:

Коррекцион фаолият дастури ўсмирлардаги ривожланишнинг яқин зонасини ҳам инобатга олиши зарур.

Шу муносабат билан бир қатор ҳолатларни таъкидлаб ўтиш жоиз:

Ўсмирларнинг биринчи гуруҳи аномал, ахлоқсиз, примитив эҳтиёжларнинг турғун мажмуаси, қадриятлар ва муносабатлар деформацияси билан характерланади. Бундай ўсмирлар низоли хулқ-атворидаги салбий хусусиятларни самарали коррекция қилиш 2-4 нафар кишидан иборат кичик гуруҳларда бажарилаётган ишнинг ижтимоий аҳамиятини яққол кўрсатиш орқали амалга оширилади. Бундай ўсмирлар хавfli ва ўч олишга мойилдирлар. Бундай ўсмирлар билан ишлашда асосий эътиборни улардаги ижтимоий интеллектни, биргаликдаги фаолиятда синфдошлари билан муносабатларда сабр-тоқат ва кооперативликни ривожлантиришга қаратиш керак.

Низо шароитидаги психокоррекцион иш самарадорлигини баҳолашни қинлаштирувчи омиллардан бири шундан иборатки, коррекциянинг ўзи низога ёки унинг тезда ҳал бўлишига эмас, авваламбор низо қатнашчиларининг шахслилки ривожланишини таъминлашга қаратилган бўлади. Ҳолбуки, бу ерда “шахсий эришиш” принципи ҳал қилувчидир.

Мактаб психологи коррекцион иши самарадорлигини баҳолаш шкаласининг аҳамиятли устунлиги унинг биз ишлаб чиққан дастур асосида комплекс психокоррекцион тадбирларни амалга ошириш ҳолатида бутунлигича қўллаш имкониятидир, шунингдек, қисмларга бўлган ҳолда, психокоррекцион ишни ташкил этиш шаклларида бири амалга оширилаётганда ҳам қўлланилишидир.

Ўсмирларнинг биргаликдаги ўқув ва ўқишдан ташқари фаолияти кўринишидаги психокоррекцион иш самарадорлигини баҳолашнинг қисқача варианты:

1. Гуруҳ ичидаги кўрсаткичлар динамикаси мезонлари.

2. Гуруҳ социометрик тузилмасидаги ўзгаришлар мезонлари.
